

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

ТАХРИРИЯТ топшириғига асосан фотомухбиримиз билан Тошкент юридик коллежига репортаж тайёрлаш учун йўл олдик. У ерга етиб келганимизда, ўқув маскани биноси қайта таъмирдан сўнг файзли, шинам тус олганини кўрдик. Даставвал, ичкарида ҳеч кимни учратмай ҳайрон бўлиб турган эдик, қаршимизда навбатчилик қилаётган талаба пайдо бўлди. Фотомухбиримизнинг кўлидаги аппаратни кўриб, мақсадимизни англади чоғи, ортиқча савол бермай, ҳамма «коллеж ритуали»да, юринлар, дея йўл бошлади.

«Коллеж ритуали» бу ўзига хос аъъанавий маросим экан. Қатор ўқув юрларида мавжуд ушбу маросимнинг қатнашчисигина эмас, балки гувоҳи бўлган кишининг ҳам қалбида Ватанга муҳаббат, гурур, садоқат каби муқаддас туйғулар жўш уриб кетади, десам муболага бўлмайди. Маросимда Ватанимиз мадҳияси ижро этилганидан сўнг эрта тонгдан Ўзбекистон байроғи пештоқда ҳилпирай бошлайди. Ана ундан кейин бир кунлик ўқув ва иш режаси белгиланади. Сафда турган йигит-қизларнинг жиддий нигоҳлари уларнинг ҳар бири ўз олдига қўйилган мақсад сари дадил интилиб яшаётганликлари, эртанги кунга комил ишонч билан қараётганликларидан далолат беради.

Яна бир ўқиш куни бошланди. Талабалар ўқув хоналари, биз эса коллеж маъмурияти томон йўл олдик. Таърибли педагог, юридик фанлари номзоди, доцент **Мухаррам опа АБДУРАЗОҚОВА** бир неча йилдан бери Тошкент юридик коллежига раҳбарлик қилиб келадилар.

— Биз бугун юқори малакали ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш жараёнида асосий эътиборни маънавий-маърифий тарбияга қаратмоқдамиз. Конституциявий ҳуқуқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сабаби Асосий қонунимиз - Конституциямизни ҳар бир фуқаро билиши керак, бизнинг талабалар эса Конституцияни янада чуқурроқ, пухтароқ ўрганиб, унинг асл моҳиятини яхши тушуниб ва тушунтириб бера олишлари шарт. Назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида коллежда суд зали, криминалистика ва ВХДЭ хоналари жиҳозланган. Бундан ташқари компьютер ва тил ўрганиш хоналари ҳам Жанубий Кореядан келтирилган энг замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган. Коллежimizда 35 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган фундаментал кутубхона мавжуд. Биз Олий Мажлис кўмиталари, «Маҳалла» жамғармаси билан доимий ҳамкорликда иш олиб борамиз. Талабаларимиз учун театр кунларини ташкил қилиш мақсадида Ўзбек миллий академик театри билан қалин муносабатлар ўрнатганмиз, — дейди Мухаррам опа Абдуразоқова.

Фарзандлари соғлом юрт қудратлидир. Бу нақлга амал қилган коллеж талабалари ҳар йили ўтказиладиган «Баркомол авлод» ўйинларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Талабаларнинг бўш вақтлари бекор ва мазмунсиз ўтмаслиги учун саккизта тўғарак ташкил қилинган. Шулардан коллежнинг теле-радио маркази доимо гавжум.

Жиллашиб келаётган байрам — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кунига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи муовини Анвар ака Мўминов қуйидагиларни гапириб берди:

— Олий Мажлис кўмиталари вакиллари билан талабаларимиз ўртасида учрашувлар режалаштирилган. Шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади. Турли мусобақалар ҳам кўзда тутилган. Бу муҳим кун ҳар йилдагидек коллежнинг тарих дафтаридида катта шодийна сифатида муҳрланиб қолиши учун барча тайёргарликлар кўрилкоқда.

2002 йил Тошкент юридик коллежидида 650 нафар битирувчи талабаларга мутахассислик дипломлари топширилади. Талабаларнинг аксарияти олий ўқув юрларида ўқишни давом эттиришади. Кўпчилик қўлларидида дипломлари билан ҳуқуқ-тартибот органларида меҳнат фаолиятларини бошлашади.

Ж. МАХСУМОВ,

«Хуқуқ» мухбири.

А. ТУРАЕВ олган суратлар



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси)



КУН ТАРТИБИДА ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ

СУРХОНДАРЁ вилояти прокуратурасида назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор банк тизимларида кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон - фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорларга кредит ажратиши, улардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, тадбирда фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризаларнинг вилоят

хўжалик судида кўрилиши юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишни вилоят прокурорининг 1-ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ф.Бойзоқов олиб борди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қ. ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири

Чоршанбадан Чоршанбагача

ФРАНЦИЯ ташқи ишлар вазирлигининг Франкофония ва ҳамкорлик масалалари бўйича вазири Шарл Жосселен раҳбарлигидаги делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Ташриф аввалида делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Ўтказилган музокараларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари, минтақадаги вазият ҳамда Афғонистон халқига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

АКАДЕМИК Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ташкил этилганига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан Президентимиз Ислам Каримов институтнинг олим ва мутахассислари, барча жамоа аъзоларига табрик хати йўллади.

Шунингдек, Президентнинг «Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ташкил топанлигининг 100 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ушбу ташкилот Бош қотибининг мамлакатимизга ташриф буюрган ўринбосари Калман Мизей оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. БМТ Тараққиёт дастури раҳбарининг ўринбосари ҳамда мазкур дастурнинг Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори К.Мизей ташриф давомида мамлакатимизнинг бир неча вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашиб, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

К.Мизей журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи ўрин тутганини ва БМТ мамлакатимизни ўзининг муҳим ҳамкори санаганини алоҳида таъкидлади.

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va Toshkent

viloyati prokuraturalari,

«Qonun himoyasida»

jurnali

Bosh muharrir:

Abdusoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:**

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@infoNet.Uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3049
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● 3 - ДЕКАБРЬ ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

К.КЕЛБЎТАЕВ: — Фарзанди-
миз Комилжонга ногиронлар арава-
часи олиб беришни орзу қилардик.
Вилоят ва Хўжабод туман проку-
ратурасига раҳмат. Уларнинг та-
шаббуси билан бугун орзуимиз уш-
алди.

Прокуратура ходимларига, ту-
ман ҳокимлигига ҳар қанча мин-
натдорчилик билдирсак оз. Улар
ногирон болаларимиз учун қайгуриб,
бизга ўз ақилларимиз қилмаган ях-
шиликларни қилишмоқда.

Р.УСМОНОВ: — Фарзанд, ай-
ниқса, қиз бола ногирон туғилса,
унинг ташвишлари ва муаммолари
ўзи билан бирга улғайarkan. Шу боис
бутун оила аъзоларимиз билан 11
йилли Турсунойнинг атрофида пар-
вонамиз. Бизнинг оғиримизни енги-
л қилган, кўнглимизни тоғдек кўтар-
ган прокуратура ходимларидан бир
умр миннатдорман.

Хўжабод тумани марказида
ўз фаолиятини бошлаган «Но-
гирон болалар маркази»нинг
очишиш маросимида бундай дил
сўзлари кўп айтиildi. Ўзларига
кўрсатилаётган эътибордан,
меҳр-муруватдан ногирон бо-
лалар ва уларнинг ота-онала-
рининг кўзларида қувонч ёшла-
ри қалқиди. Шу кўни мазкур
марказга ота-оналари елкаси-

ОРЗУЛАР УШАЛГАН КҮН

**Ахмадjon Вилоятининг Хўжабод туманида республикада ягона бўлган «ВОЯГА
ЕТМАГАН НОГИРОН БОЛАЛАР МАРКАЗИ»НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ**

учун қулай қилиб мослаштирил-
ган.

— Бу бино анчадан буён фой-
даланилмай, қаровсиз ётган, ат-
рофлари ҳам чакалақзорга ай-
ланиб кетганди, — дейди Хўжа-
бод туман прокурори А.Мирза-
абдуллаев. — Биз вилоят проку-
ратураси, туман ҳокимлиги би-
лан маслаҳатлашиб, бу ерни
ногирон болалар марказига ай-
лантиришга қарор қил-
дик. Ана шу мақсадда
ҳокимият қарорини чи-
қариб, ту-
мандаги дав-
лат ва нодав-
лат ташки-
лотлари
ҳамда хусу-
сий тадбир-
корларни бу
хайрли ишга
ҳомийлик
қилишга даъ-
ват этдик. Бу



да кўтариб келган 16 нафар
ногирон болалар юмшоқ, энг
замонавий аравачаларда уйла-
рига қайтишди. 20 нафардан
ортик кўриш ва тўла ҳаракат
қилиш имконияти чекланган
болалар кўзойнак ва кўлтиқтаё-
қлар билан таъминландилар.
100 нафардан зиёд ёрдамга
муҳтож болаларга кийим-кечақ-
лар совға қилинди.

Мазкур тадбир болаларга
қимматбахо совғалар, тиббий
анжомлар ва кийим-кечақлар
топишириш билангина чекланиб
қолгани йўқ. Ногирон болалар
ўзларини жамиятнинг тўлақон-
ли аъзоси сифатида ҳис қилиш-
лари учун барча қулайликларга
эга бўлган, икки қаватли муҳта-
шам бино — «Ногирон болалар
маркази» улар ихтиёрига топ-
ширилди. Тумандаги ногирон
болалар бу марказда бепул да-
воланадилар, таълим оладилар,
касб-хунар ўрганадилар. Бунинг
учун уларга олиий маълумотли
шифокорлар, ўқитувчи ва касб-
хунарга йўналтирувчи мутахас-
сислар жиндан ёрдам беради-
лар.

Марказнинг биринчи қавати-
да ногирон болаларни тиббий
қўриқдан ўтказиш ва даволаш
хонаси, энг замонавий компью-
терлар билан жиҳозланган ўқув,
тил ўрганиш, рассомчилик, че-
варчилик, дурадгорлик ва дам
олиш хоналари жойлашган. Бар-
ча хоналарнинг эшиклари, ич-
каридаги жиҳозларнинг ҳамма-
си ногирон болаларнинг арава-
чаларда кириб-чиқишлари ва
бемалол ҳаракатланишлари



ишларнинг ҳаммасига вилоят
прокурорининг катта ёрдамчи-
си Мухиддин Иминов бош-қош
бўлди.

Бу хайрли ишга ҳамма имкон
қадар ёрдам берди. Айниқса



Суратларда: Тадбирдан лавҳалар.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси,
«Қизил ярим ой» жамияти, ту-
ман ижтимоий таъминот бўли-
лари ўз ёрдамларини аяшмади.
Шу боис ҳам қиска фурсатда
марказ биносини таъмирлаб,
жиҳозлаб, фойдаланишга топ-
ширдик.

Вилоят прокуратурасининг та-
шуббуси билан ушбу марказ-
нинг ташкил бўлганлигини «Ўзбе-
кистон Республикасида ногирон-
ларни ижтимоий ҳимоя қилиш
тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ва-
қаридagi жиҳозларнинг ҳамма-
си ногирон болаларнинг арава-
чаларда кириб-чиқишлари ва
бемалол ҳаракатланишлари

**Вояга етмаганлар, меҳнатга
лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг
ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.**

(Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 45-моддаси)

давлат дастури ижросининг
амалдаги намунаси дейиш мум-
кин. Зеро, мазкур қонун ва ҳуқу-
мат дастурида ногиронлар ўзла-
рини жамиятимизнинг тўлақон-
ли аъзолари сифатида ҳис
қилишлари учун барча шароит-
ларни яратиш, уларнинг ҳақ-
ҳуқуқлари ва манфаатларини
қонун йўли билан ҳимоя қилиш
қўзда тутилган.

Маълумки, юртимиз равнақи,
тараққиёти кўп жиҳатдан ёш
авлод тарбиясига, келажақда
улар қандай инсон бўлиб ети-
шишига боғлиқ. Шу боис ҳам
республикамиз президенти му-
стақиллигимизнинг дастлабки
йиллариданоқ ёшлар тарбия-
сига, уларни ҳар томонлама
етук, баркамол бўлишига ало-
ҳида эътибор бериб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ке-
ракки, кейинги йилларда вояга
етмаганлар билан ишлаш ко-
миссиясининг фаолиятида ҳам
туб бурилиш ясалди. Айниқса

риб бўлди, дегани эмас. Унинг
фаолияти доим эътиборимиз-
да, назаримизда бўлади. Мар-
казни янада такомиллаштири-
миз. Унинг ҳовлисида жонли
табиат бурчагини ташкил қила-
миз. Бу ердаги турфа гуллар,
ҳар хил қўшларни кўриб, бола-
лар она табиатга ошно бўлади-
лар.

Туманда «Ногирон болалар
маркази»нинг очилиш мароси-
ми яна бир тантананага уланиб
кетди. Одатдан ташқари меҳнат
ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди. Унда
тумандаги 43 та давлат, нодав-
лат ташкилотлари, корхона-
лар, ширкатлар, хусусий корхо-
налар иштирок этдилар.

Дикқатга сазовор томони,
мазкур меҳнат бозори, ёш йи-
гит-қизларнинг хусусий йўна-
лишдаги корхоналарда ишлаш
истаги юқори эканлигини
кўрсатди. Тумандаги «Бону»,
«Феруза», «Воҳид» каби хусу-
сий фирмаларда ишлаш иста-
гини билдир-
ган ўнлаб
ёшларнинг
орзуи уш-
алди, улар
мазкур фир-
маларга ишга
қабул қилин-
дилар.

Меҳнат бо-
зорида 284
киши иш
сўраб муро-
жаат қилди.
Шулардан 67
киши турли
йўналишлар
бўйича ишга
жойлашди-
лар. 80 нафари
ёшларнинг
хоҳиш-истак-
ларига кўра турли касбларга
йўналтирилди. 41 нафари эса
мустанкил ишга жойлашди.

Вилоят прокуратураси ташаб-
буси билан барча туманларда
бўлиб ўтаётган бундай меҳнат
бозорлари, шу билан бирга жой-
ларда олиб борилаётган ҳуқуқий
тарғибот ишлари самара бер-
моқда. Вилоятда умумий жино-
ятчилик 2001 йилда ўтган йил-
нинг шу даврига нисбатан 1,4
фоизга, ижтимоий хавфи юқори
бўлган жиноятлар кескин ка-
майишига эришилгани фикри-
мизнинг далолидир.

Абдулҳошим МАДАТОВ

Республика Бош прокурори Ра-
шид Қодиоров мазкур комиссия
раиси этиб тайинланган, бу бо-
рада бир қатор ижобий ишлар
амалга оширилди. Хўжабод ту-
манида ишга туширилган ноги-
рон болалар маркази ҳам ана
шу ижобий ишларнинг меvasиди-
ри.

— Биз вояга етмаган ёшлар
билан ишлашни ҳар бир туман-
даги шароит, имконият ва мав-
жуд муаммолардан келиб чи-
қиб ташкил қилаёғимиз, — дей-
ди вилоят прокурорининг катта
ёрдамчиси М.Иминов. — Маса-
лан, Хўжабод туманида вояга
етмаган ногирон болалар кўпи-
ли

ёшлар ўзларининг хоҳиш-истак-
ларига кўра турли касбларга
йўналтирилди. 41 нафари эса
мустанкил ишга жойлашди.

Вилоят прокуратураси ташаб-
буси билан барча туманларда
бўлиб ўтаётган бундай меҳнат
бозорлари, шу билан бирга жой-
ларда олиб борилаётган ҳуқуқий
тарғибот ишлари самара бер-
моқда. Вилоятда умумий жино-
ятчилик 2001 йилда ўтган йил-
нинг шу даврига нисбатан 1,4
фоизга, ижтимоий хавфи юқори
бўлган жиноятлар кескин ка-
майишига эришилгани фикри-
мизнинг далолидир.

Абдулҳошим МАДАТОВ

● ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Пўлат Бобожонов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси делегацияси 2001 йил 10 - 18 ноябр кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб қайтди.

ХИТОЙГА ТАШРИФ

Маълумки, бундан бир йил аввал, яъни 2000 йил 4-15 октябрь кунлари ХХР Олий Халқ прокуратураси ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдинчи олиш фонднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси прокуратураси делегацияси расмий таширф билан Хитой Халқ Республикасида бўлган ҳамда маъмур фонд томонидан ўтказилган конференцияда иштирок этган эди. Ушбу таширф чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори Рашид Қодиров ХХР Олий халқ прокуратураси Бош прокурори Хань Чжунбин билан учрашган ва томонлар ўртасида узаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

ХХР Олий халқ прокуратураси таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари П. Бобожонов бошчилигидаги Республика Бош прокуратураси делегациясининг 2001 йил 10 ноябрдан 18 ноябргача Хитой Халқ Республикасида қилган таширфини бўлтур бошланган ишнинг узвий давоми дейиш мумкин.

Республика Бош прокуратурасининг ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи Юсуфжон Ғолипов ҳамда ушбу мақола муаллифи делегация таркибидан иштирок этдилар. Делегациямиз таширфидан қўзланган мақсад Осиё ва Европа мамлакатлари Бош прокурорларининг 12 - 14 ноябр кунлари Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган «Миллатлараро жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик» мавзусидаги конференцияда иштирок этиши.

Делегация 11 ноябрь кунин Гуанчжоуга етиб келди. Бу ерда бизни хитойлик мезбонлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг ХХРдаги факултетада ва мухтор элчиси Исмаилов Эргашев ҳамда элчихонамизнинг 3-котиби Бехозд Хамидовлар кутиб олдилар. 12 ноябрдан 14 ноябргача «Хуанань» меҳмонхонасида бўлиб ўтган, юқорида тилга олинган анжуманда иштирок этдик.

Конференцияда Европа (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Финляндия, Франция, Испания, Италия, Швеция ва бошқалар), Осиё (Хитой Халқ Республикаси, Япония, Лаос, Малайзия, Шри-Ланка, Таиланд, Вьетнам, Непал, Филиппин), МДХ (Ўзбекистон, Россия, Украина, Белоруссия, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон) давлатлари делегациялари, шунингдек, БМТ, Европа Иттифоқи, Интерпол сингари халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

12 ноябрь кунин Хитой Олий халқ прокуратураси Бош прокурори жаноб Хань Чжунбин конференцияни очиб деб эълон қилди. Конференцияда миллатлараро жиноятчилик тасвифи ва тенденциялари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимларининг ҳаракатлари, режалари ҳамда миллатлараро жиноятчиликка қарши курашдаги халқаро ҳамкорлик стратегияси каби масалалар муҳокама этилди.

Анжуманда Ўзбекистон делегациясини раҳбари Пўлат Бобожонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг халқаро терроризм, наркотикизм ва миллатлараро жиноятчиликнинг бошқа кўринишларига қарши кураши умумжаҳон ишига қўшаётган ҳиссалари тўғрисида ахборот берди.

Маърузада жуда катта бир ҳудуд ҳаётида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»нинг алоҳида роли ҳамда

терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шанхай Конвенциясининг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчилардан бўлиб, яъни 2001 йил август ойида ушбу Конвенцияни ратификация қилди. Бу аса мамлакатимиз раҳбариятининг ҳудудий хавфсизлик масалаларига жиддий эътибор бераётганлигини далолатдир.

Ўзбекистон делегациясини раҳбарининг маърузаси конференция иштирокчилари томонидан қизғин кутиб олинди ва баҳоланди. Конференция давомида делегациямиз аъзолари ХХР Бош прокурори жаноб Хань Чжунбин билан, шунингдек Россия Федерацияси Бош прокурорининг Узок Шарқ Федерал округи бўйича ўринбосари Константин Чайка бошчилигидаги Россия делегацияси билан, Тожикистон Республикаси Бош прокурори Бобожон Бобохонов бошчилигидаги Тожикистон делегацияси билан ҳамда Қозғистон Республикаси Бош прокурори Рашид Тусупбеков бошчилигидаги Қозғистон делегацияси билан алоҳида учрашди.

Бу учрашувлар ва суҳбатлар давомида миллатлараро жиноятчиликка қарши курашда ушбу мамлакатлар кучларини бириктириш масалалари бўйича фикр алмашувлар ва конструктив музокаралар бўлиб ўтди.

15 ноябрь кунин Ўзбекистон делегацияси Гуанчжоу шаҳридан 16 миллион киши истиқомат қиладиган Шанхай шаҳрига йўл олди ва у ерда шаҳар прокуратураси раҳбарияти билан учрашди ҳамда шаҳар прокуратураси тизими билан танишиб чиқди.

17 ноябрь кунин делегация Пекин шаҳрида ХХР Олий халқ прокуратураси Бош прокурори ўринбосари жаноб Чжан Цзюан билан учрашди. Учрашувда прокуратуранинг масъул ходимлари, халқаро муносабатлар департаменти бошлигининг ўринбосари жаноб Ван Бао иштирок этдилар.

Хитойда мамлакатнинг ички аҳоли, прокуратура ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари тизими, мамлакатдаги криминоген вазият, коррупция, наркотикизм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турлигига қарши кураш ҳолати ҳақида маълумот олди ҳамда Гуанчжоу, Шанхай ва Пекин шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

2001 йил 18 ноябрь кунин делегациямиз Пекиндан Тошкентга қайтиб келди.

Хитойда бўлиб ўтган конференцияда муҳокама этилган масалалар шунчалик долзарб эдики, Ўзбекистон делегациясининг бу конференцияда иштирок этганиги жуда фойдали бўлди деб ҳисоблашимиз мумкин. Зеро у жиноятчиликка қарши курашда Европа ва Осиё давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги халқаро ҳамкорлики янада тараққий эттириш босқичларидан бири бўлди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой прокуратуралари ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга ҳисса қўшди.

Б. ХУЖАЕВ,
Республика Бош прокуратурасининг бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси

Юқоридаги суратда: Делегация аъзолари ХХР Олий халқ прокуратураси Бош прокурори Хань Чжунбин (ўртада) билан.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари томонидан дунёнинг у ёки бу ерида содир бўлиб турган портлашлар оқибатида бегуноҳ инсонлар қурбон бўлаётгани ҳақида хабарлар тез - тез тарқатилиб турибди. Минг афсуски, бизнинг юрдошларимиз ҳам ана шундай хунрезликлар жабрини татиб кўрди. Маълумки, муайян мамлакат миқёсидаги ёхуд халқаро даражадаги аламзада тўдалар террорнинг энг жирканч ва қўп талафот келтирувчи услуби — давлат ва жамоат аҳамиятига молик бинолар, стратегик ва дипломатик аҳамият касб этган иншоотлар, аҳоли зич жойлашган жойларда портлашлар содир этишга ҳам журъат қилишмоқда. Умуман, ҳозирги даврга келиб портловчи воситалардан фойдаланиш террорнинг асосий кўринишига айланиб улгурди. Бу билан улар оммага психологик таъсир кўрсатишга, парокандалик ва ишонсизлик ҳисларини пайдо қилишга уринишмоқда. Бугун соғлом фикрли, инсонпарвар кучлар турли тоифадаги террорчи ва мутаассиб кучларнинг ҳар қандай кўринишдаги хуружга барҳам беришга, нихоят бирдамликка киришди.

Фойдали Машғулотлар

Шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида АҚШ давлат департаменти таклифига биноан бир гуруҳ ўзбекистонлик ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ушбу мамлакатга сафар қилишди. Таширфдан қўзланган мақсад ҳам ана шу йўналишдаги ҳамкорлиқни кучайтиришдан иборат эди. Делегация аъзолари: Республика Бош прокуратурасининг криминалистика бўлими катта криминалист-прокурори З.Боймуханов, Тошкент шаҳар прокуратурасининг криминалист-прокурори И.Ақромов, Транспорт прокуратурасининг криминалист-прокурори У.Ортиқов, Республика Ҳарбий прокуратурасининг тергов бошқармаси катта криминалист-прокурори Б.Трегубов, шунингдек, МХХ ва ИИБ ходимлари портлаш билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилиш услублари бўйича мутахассислар тайёарлаш халқаро дастурига мувофиқ ўқув машғулотларини ўтаб қайтдилар.

Ўқув машғулотлари Жоржия штатида қарашли Глино графлигида жойлашган алкогол ва тамаки маҳсулотлари, ўқотар қуроллар устидан назорат Федерал агентлиги

лика Бош прокуратурасининг криминалистика бўлими ходимлари томонидан тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда портловчи моддалар ва портлатиш қурилмалари қўлланилган ҳолатларда содир этилган жиноятларни тергов қилиш усуллари бўйича махсус қўлланма ишлаб чиқилмоқда. Бунини изоҳлашга зарурат бўлмаса керак. Чунки



маъмур йўналишдаги жиноятларга қарши курашишда юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилган тезкор-тергов хулосалари муҳим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-

тартибот идоралари томонидан ишлаб чиқилаётган ушбу дастур ходимлар малакасини ошириш ва жиноятлар очилишида самарадорликка эришиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш ўринлики, дастур тергов амалиётчилари ва сапёрлар, кимёгар мутахассислар, суд тиббиётчилари ва бошқа тезкор ходимлар ўртасида самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйишни ҳам назарда тутди.

Бир сўз билан айтганда, АҚШда бўлиб ўтган ўқув машғулотлари жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлиқнинг аҳамиятини ва ўз ички имкониятларимизнинг ҳам нечоғли кенглигини кўрсатиб берди. Албатта бу саёй-ҳаракатлардан



миллий академияси (АТФ) базасида ўтказилди. Дастурда назарда тутилганидек, маъруза ва амалий машғулотларни АТФнинг юқори малакали мутахассислари олиб боришди. Воқеа жойи, ашёвий далиллар, портловчи

қурилма ва фойдаланилган портловчи моддалар таркиби (портловчи қурилма қўлбола ёхуд саноат маҳсулоти эканлигини қатъий назар) бўйича назарий ва амалий ўқув курсларидан иборат маъмур дастурга мувофиқ мутахассислар портлаш оқибатлари бўйича тўлиқ ва объектив хулосалар чиқариш малакасини эгаллайдилар. Дастурнинг амалиётга жорий этилиши портловчи қурилмалардан фойдаланилган ҳолатлар бўйича иш олиб боруви турли йўналишдаги мутахассислар ўртасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва ушбу йўналишда ҳамкорлиқни кучайтиришни назарда тутди.

Айни пайтда Ўзбекистон қонунчилиги ва маъмур халқаро дастурга мувофиқ Респуб-



қўзланган асосий мақсад юрт тинчлиги, халқ фаровонлигидир.

З.БОЙМУХАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси криминалистика бўлими катта криминалист прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач мамлакатимизда бозор муносабатларини қарор топтириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи турли қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ва бошқа қонунлар, Президентимизнинг шу соҳага оид фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шулар жумласидандир. Улар хўжаликка оид ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва юридик шахслар ўртасидаги хўжалик низоларининг қонуний ва адолатли ҳал этилишида дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Маълумки, хўжалик низолари ҳозирги кунда ташкил топганлигининг 10 йиллиги нишонланаётган хўжалик судларида кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Хўжалик судлари тизими вужудга келгунга қадар қорхоналар, ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий низола ҳакамлик органлари, яъни эскича ном билан айтадиган бўлсак, арбитраж судлари томонидан ҳал этилар эди. Ҳукуматимиз иқтисодий низола рни ҳал қилувчи судлар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг исботи ўлароқ ўтган ҳафта сўнгига Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик судида шу мавзуга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Судларда турли низола, шу жумладан хўжалик низолари кўрилатганда ҳам прокурор иштирок этиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 33-моддасида айтилганидек, «Фуқароларнинг, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўрилатганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади».

Республика Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи, адлия қатта маслаҳатчиси Бахтиёр Шомирзаев мухбиримизга бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида қуйдагиларни гапирди:

— Ҳуқуқий жавобгарлик қораларини аниқ ва тўғри қўллаш хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун нормалари бузилишининг олдини олишга, қонундан келиб чиқадиغان мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга, у ёки бу тарафнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъмур соҳага оид Фармонлари талабларига мувофиқ прокуратура идораларининг бу борадаги фаолияти хўжалик судлари билан ҳамкорликда хўжалик субъектларининг шартномавий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиغان иқтисодий, молиявий ва мулкий масалаларини тартибга солишда мавжуд ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланишни ҳар томонлама қўлайлаштиришга қаратилган.



ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

Бу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг 23-моддасига биноан хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни прокуратура идоралари амалга оширадилар.

Шу асосда қонунчилик талабларига мувофиқ прокуратура идоралари томонидан айбдор шахсларни қонунда ёки шартномада белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Бу биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни ва Хўжалик-процессуал кодексининг 43-моддасида кўзда тутилган асосларда прокурорлар томонидан давлат қорхоналари, ташкилот ва муассасалари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини қўзлаб хўжалик судларига даъво аризалари киритишда ифодаланади.

Кейинги уч йил давомида прокурорлар томонидан киритилган аризаларнинг хўжалик судларида қаноатлантирилиш даражаси 90 фоизга, пул миқдорини ундириш бўйича эса 40 фоизга етган

ёки 12,2 млрд. сўмдан 20,4 млрд. сўмга кўпайган. 2001 йилнинг 9 ойида эса 19,6 млрд. сўмлик 2126 та даъво аризалари киритилган.

Худди шу тарзда ҳақиқатда ундирилаётган сумманинг ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Кўрсатилган даврда бу рақам 2-3 баробарга ўсиб, 2000 йил якуни бўйича 16,2 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда жорий йилнинг 9 ойи давомида бу кўрсаткич 14,3 млрд. сўмдан иборат бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қўлайитириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида прокуратура идоралари томонидан 2000 йил мавбайдан қарздор қорхоналарни банкрот деб эътироф этиш юзасидан хўжалик судларига 300 дан ортиқ аризалар киритилиб, шундан 55 та ҳолат бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиб қолишига сабаби

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилди.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий низола рининг тартибга солинишида хўжалик судларининг роли ортиб бораётган бир пайтда судларда хўжалик ишларининг кўрилишида прокурор иштирокига ҳуқуқий муносабатларда қонунийликни таъминлашнинг муҳим омилли сифатида қаралиши лозим. Бу иш жараёнида суд муҳокамасида йўл қўйилаётган айрим қонун бузилишларни тезкорлик билан бартараф этиб, қонуний суд қарорлари қабул қилиниши ва тарафларга зарур тарбиявий таъсир кўрсата олишга эришиш тармок олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Шу билан биргаликда, хўжалик судларида прокурор ваколатини таъминлашни касбий тайёргарлиги етарли ва юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб бера оладиган ходимларга юқлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Улар судда кўрилатган масалаларнинг барча жабҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мукаммал эгаллашлари, ишларни босқичда кўрилгунга қадар синчиклаб ўрганишлари, муҳокамада қўшимча равишда ойдинлаштирилиши лозим бўлган саволлар доирасини аниқлаб олишлари лозим. Айни пайтда ўз фикрини ҳуқуқий жиҳатдан чуқур асослаб беришлари, томонлардан бирининг ҳуқуқлари поймол этилишига олиб келган сабаб ва шароитларни аниқлашда фаол қатнашишлари ҳамда ўз иштироклари билан жараён иштирокчиларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва судга ҳурмат ҳиссини ўйғота олишлари учун суд муҳокамасида иштирок этувчи прокурорларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўриб борилаётган.

Гарчи прокурорлик фаолиятининг бу соҳасига жалб этилган прокурор-тергов ходимлари озиликни ташкил этса-да, 2000 йил мавбайдан Республика хўжалик судларида кўрилган хўжалик ишларининг 45,3 фоизидан прокурор ваколати таъмин этилган бўлса, 2001 йилнинг ўтган 9 ойи мавбайдан бу кўрсаткич 43 фоизни ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасида алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, хўжалик низола рини бартараф этиш самарадорлигини яхшилашда республикамиз хўжалик судлари маълум ютуқларини қўлга киритмоқда. Бунда шубҳасиз, прокуратура ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўрни келиб қолгани учун, ташкил этилганлигининг ўн йиллигини нишонлаган Республика хўжалик судлари ходимларини кутлуг сана билан табриқлайман. Иқтисодиётни ривожлантириш йўлидаги хайрли ишларига муваффақиятлар тилайман.

Йўлдош ПАРДА
тайёрлади

1991 йил 20 ноябрда «Ҳакамлик суди ва хўжалик низола рини кўриш тартиби тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Қонун ҳакамлик органларини мулк шаклидан қатъи назар, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қодир бўлган мустақил юридик орган — ҳакамлик судларига айлантирди. Бир мунча кейинроқ ҳакамлик судлари хўжалик судлари деб қайта номланди. Уларнинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Хўжалик процессуал кодекси ҳамда 1997 йил 30 августда қабул қилинган янги Хўжалик процессуал кодекси ва 2000 йил 14 декабрда янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни билан мустаҳкамланди.

ма ўрганилиб, қонуний асослар мавжуд бўлмагандагина қарорлар чиқарилмоқда.

Бу албатта ўз самарасини бераяпти ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шундан, 2000 йил якуни бўйича ночор қорхоналарнинг сони 140 дан 98 га тушиб, шулардан мулкда давлат улуши борлари 66 фоиздан 46 фоизга қисқарди. 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра иқтисодий ночор деб топилган қорхоналарнинг сони ҳам 2,2 баробар ёки 182 тадан 81 тага камайди.

● ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Шу йилнинг 11 сентябрида Америка Қўшма Штатларида содир этилган террористик ҳаракатлар дунё аҳлини хушёрликка қорлади. Шу боис мамлакатимизда ҳам тинч, нурафшон кунларнинг қадрига етиш, Ватанни қўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар кунги ва ҳар доимги вазифамиз бўлиб қолди. Энг муҳими бу ишга шу юрtdа яшайдиган ҳар бир фуқаронинг масъулигидир. Ҳўш, бу борада Бектемир туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Журналист Эркин ЭСИРГАДИЕВ ушбу савол билан туман прокуроври, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр АБДУСАЛОМОВга мувожабат қилди.



рур ёрдам бериб, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишлари учун йўл-йўриқлар кўрсатмоқдалар.

Ҳафтанинг ҳар душанба кунги прокуратурада тумандаги барча мутасадди идора раҳбарлари, ИИБ профилактика нозирлари билан ҳамкорликда фармонга асосан озод этилган шахслар билан олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилади. Тегинли кўрсатмалар берилиб, бажарилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинади. Бевоқифа туман прокуратурасининг аралашуви билан собик маҳкумлардан 23 нафари ишга жойлаштирилди. Улар орасида ўқийда юборилаётганлари ҳам бор.

Жазони ўтаб қайтган ҳар бир кишига туман ҳокимлиги қошидаги Ижтимоий мослаштириш марказидан моддий ёрдам пуллари берилмоқда.

Биз собик маҳкумларни исталган пайтда иш билан таъминлашга, ўқитишга, ўқийи тугагач мутахассислиги бўйича иш топиб беришга тайёрмиз. Ҳеч бир давлатда бу қадар инсонпарварлик таъминлари ишлаб чиқилмаган бўлса керак, деб ўйлайман. Бунинг ҳар бир адашган фуқаро тўғри англамоғи даркор.

Олий Мажлис томонидан 2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат жиноят қонунчилигида жуда катта воқеа бўлди.

Шу йилнинг 6 декабрида ўз ишлари бошлайдиган иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида мамлакатимиз Президентининг «Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги мурожаатномаси эълон қилинади. Демак, Ўзбекистон яна бир бор дунё аҳлини огоҳликка даъват этади.

ҲУҚУҚИЙ Маслаҳатхона

САВОЛЛАР

ЖАВОБЛАР

Ўғлим Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбланиб, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Мен суд ҳукмидан норози бўлиб, шикоят ёзган эдим, лекин уни қабул қилишмади. «Нимага қабул қилмай-сизлар, ахир мен судланувчининг орасидан десам, улар «қонун талаби шундай» деб жавоб беришди.

«Ҳуқуқ» газетасининг шу йил 46-сонида «Шикоятингиз қонунийми?» сарлавҳаси остида берилган мақолада шикоят беришга ваколатли бўлган шахслар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Мен эса бу ҳақда батафсилроқ маълумот олишни истардим.

Р.КАРИМЖОНОВА,
Тошкент шахри

ЖАВОБ

Биринчи инстанция судининг ҳар қандай ҳукми устидан жиноят процесси иштирокчилари томонидан апелляция, кассация ва назорат тартибиде шикоят берилиши мумкин. Лекин бундай ҳуқуқ жиноят процессининг ҳамма иштирокчиларига нисбатан тўлиқ татбиқ этилмайди, яъни чиқарилган ҳукм устидан шикоят қилиш ҳуқуқи жиноят процессининг чекланган доирадаги иштирокчиларига тааллуқлидир. Жиноят-процессуал кодексининг (ЖПК) 498-моддаси талабига кўра, бундай ҳуқуқдан маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи ва унинг вакили фойдаланишга ҳақлидир.

Ушбу шахслар доираси қонун билан қатъий чекланган бўлиб, уни кенгайтириш мумкин эмас. Улар ҳукмдан ташқари, суднинг қонуний қўлга кирмаган ажрими устидан ҳам шикоят беришга ҳақлидирлар.

Лекин бундай ажрим устидан берилган шикоят ҳукм устидан берилмаган шикоятдан икки жиҳати билан фарқ қилади: биринчиси — бундай шикоятлар ҳусусий шикоят деб аталади, иккинчидан эса бундай тартибдаги шикоятларни ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилмаган жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳам беришга ҳақлидирлар.

Ҳусусий шикоят ҳукм юзасидан эмас (масалан, айбланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги), балки мазкур ишни кўришда келиб чиқадиган бирор-бир масала бўйича чиқарилган суд ажрими ёки қарори (масалан, жиноят иши кўзгатиши рад этиш тўғрисидаги суд қарори, даъво аризасини суд томонидан қабул қилишни рад этганлик, шунингдек суд томонидан кўзгатишдан жиноят ишга, ишнинг ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисидаги, суд мажлисида тартибни бузганлик учун жарима солиш тўғрисидаги суд қарори) устидан берилади.

Ҳусусий шикоят суд ажрими ёки қарори кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ўша шахслар томонидан берилади. Масалан, қафиллик остидаги ёки гаров эвазига озод қилинган шахс ноҳўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун қафиллик берган шахсга жарима солинган бўлса, у ушбу ажрим устидан шикоят беришга ҳақли. Яъни, бу ерда бутун ҳукм устидан эмас, балки бу ҳукмнинг бир қисмини ташкил этган ажрим ҳақида гап кетаяпти. Бунда жиноят процесси иштирокчисининг манфаати фақатгина қафиллик мажбурияти билангина чекланади.

Нима учун маҳкумнинг яқинлари, қариндош уруғлари шикоят бериши мумкин эмас?

Маҳкумнинг яқинлари томонидан манфаатдор томон сифатида бевоқифа шикоят берилмаслиги шу билан изоҳланадики, ортиқча овозгарчилик ва одил судловни қалғитишнинг олдини олиш ҳақида ишнинг фақат мазмунан ҳал этишга эришиш мақсадида қонун шикоят берувчилар рўйхатини чеклади.

Қонуний вакил ким?

Қонуний вакил ишда вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган (жисмоний қамчилик ёки руҳий касаллик сабабли) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинган шахс ҳисобланади. Қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топишган шахсга ҳомийлик қилувчи муассаса, ташкилотнинг вакили қатнашиши мумкин. Булар ишда қонуний вакил бўлиб ўз-ўзидан иштирок эта олмайдилар. Улар суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан қонуний вакил сифатида жалб қилингандан кейингина ишда иштирок этишлари мумкин.

Қонуний вакил ўзи вакиллик қилаётган шахсга ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш (масалан, ҳимоячини танлашда, шикоят аризалар беришда), шунингдек унинг процессуал ҳуқуқларини тўла амалга оширишда мустақил ҳаракат қилишга ваколатли ҳисобланади. Бундан ташқари, у ҳимоячидан фарқли равишда, ўз ҳаракатларида вакиллик қилаётган шахсининг розилигига қарам эмас. Бошқача қилиб айтганда, у вакиллик қилаётган шахсининг қонунда белгилаб қўйилган, лекин фойдаланилмаётган ҳуқуқларидан тўла равишда фойдаланиши мумкин.

Маҳкум ва жабрланувчи жиноят процессининг энг фаол иштирокчиси саналади ва ишнинг мазмунини бевоқифа уларнинг манфаатларига қаратилган бўлади. Шунинг учун маҳкум ва жабрланувчининг манфаати процесснинг бошқа иштирокчилари манфаатидан юқори туради. Агар маҳкумнинг ҳимоячиси юқори турувчи судга ҳукм устидан шикоят берган бўлса, маҳкум уни қайтариб олиши ҳам мумкин. Бундан кўринадики, хатто ҳимоячининг фаолияти унинг ҳимояси остида бўлган шахс манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бўлади.

Д.ХАЛИЛОВ тайёрлади

ЭЛ ТИНЧ - ЮРТ ТИНЧ

— Терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Бизнинг туманда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бу борада қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Қонунга ҳилоф ҳаракатларни содир этиш ҳар қандай ҳаётда қораланади ва бундай шахслар қонун олдида жавобгардир. Ўтказилаётган тадбирлардан кўзда тутилган мақсад экстремистик гуруҳларни аниқлаш, фош этиш ҳамда уларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашдир.

Туман ички ишлар бўлимида ваҳобий оқимидаги мойил бўлган 22 та шахс рўйхатга олинган. Улар билан доимий равишда профилактик ишлар олиб боришмоқда. Тадбирларнинг қандай самара бераётгани прокуратура томонидан ўрганиб боришмоқда. Олиб боришган кенг қамровли ишлар туфайли ўтган 10 ой давомида туман ҳудудида мазкур тоифадаги жиноятларнинг содир этиш, таъқиқланган диний адабиётлар, арақалар тарқатилиши ҳолатларига йўл қўйилмади. Нухса кўчириш шаҳобчалари, босмаҳоналар, аудио ва видео кассеталар сотиш жойларининг доимий назоратга олинганлиги бу ишларда жуда кўл келмоқда.

Бундан ташқари, туман ҳудудида жойлашган масжидларнинг имом хатиблари томонидан аҳоли гавжув бўлган «Тошкент кишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори», «Кўйлик дехқон бозори» радио тармоқлари орқали «Ислом дини ва унинг моҳияти», «Ҳизбут тахрир» ҳамда бошқа диний экстремистик оқимларнинг қояларига қарши кураш мавзуларида маърузалар ўқиб эшитирилмоқда. Шунингдек, бозор маъмурияти, дех-

он ва тадбиркорлар билан мазкур мавзуларда суҳбатлар ўтказиб боришмоқда.

Фуқаролар билан ҳуқуқий идораларнинг яқинлиги оммининг уларга бўлган ишончини оширибгина қолмай, ҳар қандай бузғунчиликка зудлик билан барҳам бериш имкониятини ҳам яратди. Туман прокуратураси томонидан ички ишлар бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси таркибда ишчи гуруҳи ташкил этилган. Ишчи гуруҳ томонидан мавжуд 12 та маҳаллада кенг қамровли тадбирлар ўтказилди.

Туман прокуратураси, ИИБ ва маҳаллалар раҳбарлари томонидан ҳудудда диний ақиданарастлик ҳаракатларининг олдини олиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларнинг қўшимча режаси ҳам тузилган. Ишчи гуруҳи ушбу режага мувофиқ ҳокимият, маҳалла, мактаб ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Маълумки, халқимиз бағрикенг, инсонпарвар. Мамлакатимиз Президентини олиб бораётган сиебаста ижтимоий ҳимоя асосий ўрин тутди. Айниқса, юртбошимиз ўтган йилнинг 6 сентябрида «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекканлиги бунинг яққол намунаси бўлди.

Туман прокуратураси фармон ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги қошидаги махсус комиссия билан яқин алоқа ўрнатган. Унга ижтимоий мослаштириш маркази, ички ишлар бўлими, ижтимоий таъминот, молия, халқ таълими бўлиmlари, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар жалб этилган. Улар ҳозирга қадар жазони ўташ жойларидан озод этилган шахсларга за-

● КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ АСОСЛАРИ

Халқаро муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турига айланди. Бу дунё саҳнасида ҳаракат қилаётган асосий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қўллар ўртасидаги, шунингдек, давлатлар уюшмаси ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий, дипломатик алоқалар тизимидан иборатдир. Халқаро муносабатларнинг асоси давлатлар ўртасидаги муносабатлар бўлиб, бу муносабатлар тартибсиз, режасиз бўлмай, балки давлат ички муносабатлари каби ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинади. Шулардан бири эса ташқи иқтисодий фаолиятдир. Ташқи иқтисодий алоқалар моддий, молиявий ва заковат бойликларининг мамлакатлар ўртасида алмашинишининг турли йўналишлари, шакллари ва воситаларини ифодаловчи яхлит тизимдир.

Сир эмаски, халқаро иқтисодий муносабатларни ва халқаро иқтисодий фаолиятини, шунингдек ҳўжалик юритишнинг бошқа соҳаларини ўрганувчи турли мутахассислар ҳар хил ва айни вақтда ўзаро боғлиқ муаммолар маҳкумга дун келмоқдаларим, бу муаммоларни тез ва қонуний ҳал этиш учун ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги янги ахборотларга эга бўлиб бориш, зарур адабиётлардан, қўшимча маълумотлардан ўз вақтида унумли фойдаланиш талаб этилади.

Шу ўринда, республикамизнинг таниқли иқтисодчи олимл-

ридан Аваз Алимов ва И. Ҳамедов ҳаммуаллифлигида «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари» китобининг чоп этилганлиги (Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001 й, 325 б. Маъсул маҳарир юридик фанлари доктори, профессор М. Раҳмонқулов) муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Мазкур китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунослик ва иқтисод мутахассислиги бўйича тахсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. У ташқи иқтисодий фаолият бўйича ўзбек тилида ёзилган биринчи дарслик ҳисобланади.

Ушбу дарслик 9 бобдан иборат бўлиб, унда ташқи иқтисодий фаолиятнинг назарий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш ва тартибга солиш; ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми; ташқи иқтисодий фаолиятнинг валюта-молиявий асослари; экспорт сиебастини амалга ошириш; чет эл инвестицияларини жалб этиш ва тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари; халқаро тижорат арбитражи ва ташқи иқтисодий фаолиятни суғурталаш каби масалалар оммабоп тилда, аниқ жиддий илмий даражада атрофлича таҳлил қилинганлиги мақтовга лойиқдир.

Фарҳиддин НАМОЗОВ,
юридик фанлари номзоди

● ХУКМ ЎҚИЛДИ

ПУШАЙМОНЛИК КЎЧАСИ

Тун пардаси атрофни қоплаб, ёмғир томчилади. Бу пайтда Сирғали бозорида одамлар анча сийраклашиб қолган эди. Мурод ҳам бозорни айланиб юриб, анча-мунча нарсаларга ҳавас қилди. Бу замонда анқоннинг уруғини ҳам топиш мумкин. Фақат пўл бўлса бўлгани. Аммо чўнтакда пўл йўқ. Ўзи ҳам ҳайрон. Пулсиз бозорда нима қилиб юрибди? Уйлади. Шунда ҳаёлига таниши, ўқитувчи аёл Мехринисо келди. Бир вақтлар 100 АҚШ доллари қарз берган.

— Ушани оламан, — уйлади у.
Кўнглидан қандай ёвуз ният кечди, бизга қоронғу. Хар қалай Мехринисо камбағал эмас. Тақинчоғу узуклари кўзни қамаштиради. Мурод шу ҳақда уйлади.

Бу маҳалда Мехринисо хонасида ўғли Сардорни овқатлантирар, шу кеча умрига нўқта қўйилишидан бутунлай беҳабар эди.

Эшик тақиллади. Ёш бола сезгир бўлади. Сардор овозни ойисидан олдин эшитди.

— Ойи, сизни қақираяпти.
— Ҳозир, болам, ҳозир. Сен овқатингни еб ол.

Мехринисо эшикни очганда қаршисида Мурод турарди.

— Мумкинми?
— Салом, қани марҳамат.
— Келдим. Ишлар қалай, опа?
— Шўр.

Мехринисо кўрпача тўшаб мехмонни овқат билан сийлади. Сўхбат узок чўзилди. Бу орада Мурод қарзи ҳақида гапни кистириб ўтди.

— Ҳозирча оложим йўқ. Яна бироз сабр қиласиз, — деди Мехринисо узурли оҳангда.

Мурод индамади. Аксинча кўнглида ёвуз ният ўрмалади. Мехринисо ҳали ҳеч ким билан яқин алоқада бўлмаган. Лекин қарзи унга тинчлик бермади, нима бўлганда ҳам Муродни шу кечага қолишга тақдир қилди. Қайноқ йиғит рози бўлди. Мехринисо ўғли Сардорни нариги хонада ўқлатиб чиқди. Кўнгли олиш ҳам шунчалик бўлибди-да. Лекин Муроднинг ҳиссиёти ҳам пул. Уни ундириш керак. Шунинг учун бу ҳақда яна гап очди.

— Ҳозирча иложи йўқ, дедим-ку, — қайтарди Мехринисо.

— Вазирликда, тест марказида, банкада танишларим бор, дейсиз. Ўшалардан олиб беринг, — қистади Мурод.

— Менинг танишларимни ўйнашларим деб уйлаясанми, — жажл қилди Мехринисо. — Ҳали мени бузук хотинга чиқараясанми?

Мурод жимми қолди. Суз ичкиси келиб ошхонага ўтди. Худди шу ерда бир қарорга келди. Қўлига товачани олди. Кўзлари қонга тўла бошлади. Шун ният билан хонага ўтди. Мехринисо шкафдан нима-нидир олаётган эди. Балким қарзини қайтармокчи бўлгандир. Мурод орқа томондан Мехринисони кучли зарб билан урди. Аёл йиқилди.

— Мана, мана, — қайта-қайта туширди.



Биродари азиз, кўнглингиз кўчаси маданий ҳордиқ илинжида бўлса яхши дам ҳамроҳингиз бўлсин. Лекин киприк қоққунча ўтиб бораётган умрда замонга зайли деймизми, ҳуллас шов-шувли воқеаларга ўч бўлиб қолдик. Ушбу аянчли қисмат битиклари муҳрланган мақолани балки автобусда кетаётган вақтни ўтказиш учун ўқиётгандирсиз. Балки ишхона, бўлмаса оила даврасида ўқийсиз. Баъзи тақдирларга ачинасиз. Қисмат дейсиз. Баъзиларга лаънат ўқийсиз. Не бўлганда ҳам бу воқеалар тўқилган афсона ёки чўпчак эмас. Жамиятимизда, кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳодисалар. Ана шуниси ачинасан.

Мехринисо хушини йўқотди. Шунда Мурод хонадаги осиглик ҳалат белбоғини олиб, ҳушсиз аёлни бўғи бошлади. Аёлнинг кирта жонидан биттаси ҳам қолмагунча бўғиб турди. Қўллар шилқ этиб тушгач, навбат Сардорга келди. Уни тинчитмаси сир очилиб қолиши тайин. Кўзлари қонга тўла жаллод мурғак бола ётган хонага ўтди. Уйкудаги бола уйғониб кетди. Ажал кўллар унга ёпишди.

— Амаки нима қилаяпсиз?! — норасида бола жон талвасасида бақиршига уринди, — ая, ая-а-а-а...

Тамом. Кўзи мангу юмилди.

Энди пайти келди. Мурод қилиб қўйган иши ҳақида эмас, бойлик ҳақида уйлади. Мехринисонинг қулоғидаги икки жуфт, ҳар бири 20 минг сўмлик зиракни, ҳуллас, қўлга олса арзигулик жами 290 минг сўмлик буюмларни олиб, кўздан гойиб бўлди.

Эрталаб маҳаллада ҳунук хабар тарқалди «Мехринисони боласи билан ўлдириб кетишибди». Шум хабар юракларни жунжиштириб юборди. Ички ишлар бўлими, прокуратура идоралари ушбу қотилликни очишга киришдилар. Қотил ким бўлиши мумкин? Ҳали айтиб ўтганимиздек, Мехринисо ҳеч ким билан яқин алоқада бўлмаган. Биров билан гина-қудрати йўқ. Очик кўнгли аёл. Суриштирув давомида гувоҳлар сўроқ қилинди. Мехринисонинг ҳамкасблари бир неча кун олдин унинг бир йиғит билан келганини, уни жияним деб таништири-

ганини айтиб қолишди. Калаванинг учу шу ерда эмасмикан? Белгилари аниқла-ниб, қидирув ишлари бошланди. Бу пайтда Мурод гоҳ Бўқада, гоҳ Олма-ликда яшириниб, таниш-билишлариникида яшаб юрди. Кўчада юрса кўзлар олазarak, пайтавасига қурт тушиб қолди. Лекин ўртқаларига сир бермади. Ҳатто хотирадафтар ёза бошлади. Ўртқалари унинг ғалати ахволидан шубҳаланиб қолишди. Муроднинг хотирадафтариди не гаплар ёзилди, бизга қоронғу. Лекин барча бойликларни ҳазондек совургани аниқ. Охири тутилган юрти

— Қашқадарёга кетмокчи бўлди. Ахир ота-онаси уни оруз-умидлар билан Тошкентга ўқишга юборган эди-да.

Ўрта махсус маълумоти бор. Бу-закнинг югуригани сомононагача, деганлар ҳақ. Мурод таниши Гўл-нозаникидан эрта азонда туриб, «ҳозир келаман» деб чиқиб кетганича қайтиб келмади. Ички ишлар ходимлари уни ўша кўчада қўлга олишди.

Кўнлар ўтди. Тергов қаракатлари тугаб, иш судга оширилди. Ун-гача Муроднинг кўзларидан оққан пушаймон ёшлари хибсонанинг деворларида қотди. Бир марта берилган умрни қалта ҳаёллар гир-добига чўктирди.

Қотиллик. Бу сўзни эшитганда юрак увишиб кетади. Дахшатга тушасан. Бу каби мудҳиш жиноятга қандай баҳо бериш мумкин? Муш-типар она, норасида гўдақнинг гу-ноҳи нима эди? Кўнглининг туб-тубидан нафрат отилиб чиқади.

Ана шунақа гаплар. Бировнинг ҳаққи ҳеч қачон юкмайди. Қингир йўл билан топилган бойлик фақат жазо келтиради. Қингир ишчи ора-қат қилганлар ақллари яна бир бор тарозига солиб кўрсинлар. Нима дедингиз? Муродга келсак, одил суд ўз ҳукмини ўқиди.

Ш. АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар
прокуратурасининг бўлим катта
терговчиси.
Ш. АХРОРОВ,
журналист

● БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ

Адашмасам, 1992-93 йиллар эди. Бизнинг қишлоқда ҳам бозор ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди. Лекин аҳолини қандай қилиб янги бозорга жалб қилиш мумкин? Бунинг яхши йўлини топишди. Худди «Тошмат аканикига тўйга-а» дегандай фалон кунни фалон қишлоқда катта кўпқари деб ён атрофдаги барча қишлоқларга жар солишди. Ўзингизга маълум, кўпқари, улоқ деган жойда ўзбекнинг етти ёшдан етмиш яшаригача етиб боради. Бу сафар ҳам тумонат одам йиғилди. Бир-икки соат кўпқари берилиб, кейин ҳамма майдоннинг ёнгинасида барпо этилган бозорга кирди. 3-4 ҳафта шу зайлда иш қўрилиб, кейинчалик кўпқари тўхтатилди. Эндиликда деҳқон ўз маҳсулотини техникага ортиб узок туман марказига олиб боришдан, чорвадор чорвасини бозорларда арзон-гаровга сотиб қайтишдан кўра шу ернинг ўзида сотишни афзал билиб қолди.

Яна шундай бозорлар борки, улар учун жар солишнинг ҳам, эълон беришнинг ҳам кераги йўқ. Бу бозорлар яхши қўрилган ва жиҳозланган бўлиб, уларни тижоратчилар ва деҳқонларнинг ўзи топиб олади. Лекин бундай бозорлар...

1999 йил октябр ойида Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудида янги типда қўрилган, замонавий жиҳозланган янги ҳўжалик моллари бозори ишга туширилди. Бозор мудури Исматилла Ортиқов «Отчопар», «Чорсу» ва бир қанча бозорларда жой тегмай овора бўлиб юрган тижоратчиларни очик юз билан кўтиб олиб, маълум сумма ҳисобига уларга бозор ҳудудида савдо қилиш учун жой ажратиб берди.

КЎНИМ ТОПМАГАН ФИРИБГАР

Иш кўнгидагидек кетаётган бир пайтда И. Ортиқовнинг иши судга оширилди. У қандай жиноятга қўл урганки, иши судда қўрилаётган бўлса?

Бунга ойдинлик қиритиш учун И.Ортиқовнинг бир неча йил олдинги иш фаолиятига назар ташласак: И.Ортиқов 1998 йилда «Равшан - Темур» хусусий фирмасини ташкил этади. У ўз фаолиятининг иккинчи ойдан бошлаб ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни авж олдиради. Жумладан, Зангиота тумани Эшонғўзар қўрғонига жойлашган «Азия» кафеси ва унга қарашли ернинг сотилишини эшитиб, унга харидор излайди. Бу вақтда «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси ҳайвонларни боқиш учун ёрдамчи ҳўжалик очишга бино ва ер қидириб юрганидан хабар топади. Зангиота туман матлубот ҳаиссдорлик жамияти «Азия» кафеси ва унга қарашли 0,3916 гектар ер майдонини 3,4 млн сўм қилиб кўрсатади. «Ўзбекдавлатцирк» дагилар ёрдамчи ҳўжалик учун олинандиган ер майдони 1,5-2 гектар бўлиб керак деган фикрни билдиради. И.Ортиқов воситачи сифатида ҳўжатларга сохта рақамлар қиритиб, олди-сотти шартномасини тузишга эришади. Яъни у «Азия» кафеси ва унга туташ ер майдони 0,3916 гектар бўлгани ҳолда, уни 1,08 га. қилиб кўрсатиб, оқорида айтиб ўтилган нархда сотилишига эришади. И.Ортиқов «Равшан - Темур» фирмаси ҳисобига 1998 йил 9 февраль кун 55-сонли тўлов шартномаси орқали «Ўзбекдавлатцирк»нинг ҳисоб рақамидан тушган пулни 1998 йил 11 февралда Зангиота матлубот ҳиссдорлик жамиятининг ҳисоб рақамига «Азия» кафеси учун рақамсиз қалбаки шартномага асосан ўтказиб беради. Шартномага асосан ер билан боғлиқ барча ҳўжатларни «Азия» кафеси белгиланган муддат ичида расмийлаштириб бериши керак эди. Лекин Зангиота туман матлубот ҳиссдорлик жамияти раҳбарияти ҳам, «Азия» кафеси раҳбарияти ҳам на ер майдонининг ҳажми ўзгариб қолганига, на олди-сотти шартномасининг талаблари бажарилишига эътибор беради. Натижада, Зангиота туман суди шартномани ҳақиқий деб топади. Кейинчалик «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси олди-сотти шартномаси учун ҳамма югур-югурларни И.Ортиқов бажаргани учун у билан 1999 йил 1 августдан 31 декабргача меҳнат шартномаси тузиб, ҳўжалик ишлари раҳбари этиб ишга олади. Бу ерда ишлаб юрган пайтда ҳам И.Ортиқов фирибгарлик, ўзгалар мол-мулкни ўзлаштириш каби бир қанча ноқонуний ишларга йўл қўйди. Жумладан у циркка қарашли 3 млн сўмлик металл конструкцияларини ўз манфаати йўлида ўзлаштириб, бирлашмага қарашли бўлмаган ҳўжалик моллари бозорини ташкил қилади. Бу билан ҳам чекланмай, тижоратчилардан жой ҳақи деб, битмай қолган бозор қисмига деб ҳар хил микдорда пул олади. 1999 йил 19 октябрдан 2000 йилнинг февралига қадар Зангиота тумани «Бозорсавдо» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятига қарашли ҳўжалик моллари бозори мудури лавозимида ишлаб келиб, бир неча ўн тижоратчидан гоҳида жой учун, гоҳида бозор қурилишини ниҳонсига етказиш учун деб, 1 миллион сўмга яқин маблағни йиғиб олади. Унинг маълум қисминигина ишлатиб, қолганидан ўз манфаати йўлида фойдаланади.

Таассуфки, орамизда шундай инсонлар доим ўраб туради. Ёғли жойнинг кетидан қувиб, гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга бош сўқиб юриш ўз нафсини тиёлмаган инсонлар учун хос десак, янглишмаган бўламиз.

Суд ҳукмига биноан И.Ортиқов тегишли жазосини олди.

Ж. СУБХОНҚУЛОВ,
Республика Бош прокуратурасининг
бошқарма катта прокурори.
Ф. МАМАШАРИПОВ,
«Хўкук» муҳбири

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Конституцияси
1992 2001



«ТОШУНТЕРМ»

Қўшма корхонаси Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллиги билан чин қалбдан табриклайди




8 dekabr
O'zbekiston
Konstitusiyasi kuni

«ШАРҚ-РЕЙТУМИ»

Қўшма корхонаси давлатимиз Конституциясининг 9 йиллиги муносабати билан жамики ўзбек халқини самимий қутлайди

«СУВМАШ»

Жамоаси портдошларимизни 8 декабрь Конституция байрами билан қутлайди



«МЕБЕЛ»

Акциядорлик жамияти меҳнаткашлари серкуёш Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Конституция кун билан чин дилдан муборакбод этади.

● **БАРКАМОЛ АВЛОД ФИДОЙИЛАРИ**

Сирасини айтганда, комилликка интилиш ҳар бир инсоннинг умр мазмуни бўлиши керак. Комиллик деганда эса ҳозирча маънан ва жисмонан етуқликни тушунамиз. Ҳар қандай жамиятда камолотга, комилликка интилган инсон, айниқса ёш авлод учун устоз деган шарафли ном соҳибларининг таъсири катта ўрин тутди. Ана шундай юртдошларимиздан бири, минглаб ёш каратэчиларнинг устози, «НУРҲАС» каратэ мактаби асосчиси Ҳасан Назаров билан учрашганимда бунга яна бир бор амин бўлдим.

«НУРҲАС»НИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

Марказ ҳовлисига кириб борар эканман, кираверилган деворга ёзилган каратэчилар қасамёдига кўзим тушди. Унда шундай дейилди: «Маънавий тарбия маскани бўлган «Нурҳас» мактабиде талабалар жасорат, саховат, ўзаро ҳурмат сингари фазилатларни ўзларига қурол қилишлари зарур. Биз руҳан ва жисмонан кучли бўлиш учун жонимиз ва танимиз билан интиламиз».

Тўғриси, Шарқ яққа курашининг энг жангвор тури бўлган каратэ устаси — қора белбоғ II дан соҳиб билан танишувимиздан олдин бироз тараддудга тушган эдим. Аммо суҳбатимиз бошидаёқ Ҳасан аканинг кенг дунёқарашга эга, маданиятли киши эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Спортнинг бу туридан унча бегона бўлмаганим учунми, суҳбатимиз узок давом этди. Ушбу суҳбатдаги айрим фикрларни қозғашга тушириб қайтдим.

— Сиз қўриб турган бу жойлар бир пайтлар ташландиқ аҳволда эди. Уни ҳозирги даражага келтириш осон бўлмаган, — дейди Ҳасан ака марказ ҳовлиси ва машқ майдончасини назарда тутиб.

«Нурҳас» каратэ маркази олди-



Ҳасан НАЗАРОВ жаҳон чемпиони Кишжа МАДЖОРИ билан

лиқдан кейин юртимизда спортга, соғломлаштириш тадбирларига бўлган эътибор кескин ошди. Бунинг ижобий натижаларини эса бугун қўриб турибмиз.

Баркамол йигит-қизларимиз сабаб Ўзбекистон номини дунё танимоқда.

Мен ҳам бу эзгу ишларга ҳисса қўлиш ниятида 1992 йили Навоий шаҳрида каратэ маркази очдим. Яхши ниятда уни «Нурҳас» деб номладик. Бугунга келиб марказга қарашли каратэ мактабларида 3000

моқда. Бу натижаларга эришишимизда бизни доимо қўллаб-қувватлаб турган Навоий тоғ-металлургия комбинати раҳбариятининг ҳиссасини алоҳида айтиб ўтишни истар эдим.

— Биласиз, Ҳасан ака, ҳар қандай спорт тури, айниқса, жангвор спорт ўз фалсафасига эга. Демокриманки, каратэнинг киокушинкай тури Шарқ донишмандлигининг

қайси жиҳатларини ўзида жамлаган?

— Сизни тушундим. Кўнглимдаги саволни бердингиз. Сўзга уста эмасману, аммо тушунтиришга ҳаракат қилиб кўраман. Маълумки, эзгулик бор экан ёвузлик ҳам мавжуд. Каттиқ нарса юмшоққа сингади, аччиқни аччиқ кесади. Киокушинкай каратэнинг мазмуни эса «йўл сўнггида ҳақиқат билан учрашув» маъносини англатади. Умуман, Шарқ яққа курашларининг ҳаммаси ҳам яхшиликка, эзгуликка етаклайди. Талабаларимизнинг аксарияти ёш ўспиринлар. Уларнинг фақатгина жисмоний камолотига эътибор қаратиб қолмасдан, билим олишларига, ахлоқда бошқаларга ўрнак бўлишларига ҳам эътибор берамиз. Мақсадимиз ҳам аслида юртга фидойи, маънан ва жисмонан етуқ шахслар тарбиялашга қаратилган.

— Яна бир нарсаси аниқлик киритиб олсак. Маълумки, каратэда 40 га яқин йўналиш бор. Лекин кейинги пайтда каратэчилар орасида айнан киокушинкай йўналишига қизиқиш ўсётгандай, назаримда. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

— Балки мазкур йўналишнинг замонавийлиги, қолаверса машқлар комплексига самарасиз ва ортиқча ҳаракатларнинг йўқлигидан бўлса керак.

— «Хуқуқ»қа муносабатингиз ва унинг муҳлисларига тилакларингиз?

— Билишимча, «Хуқуқ» газетасини кўпроқ ҳуқуқшунослар, ҳуқуққа қизиқувчилар ўқишади. Бизнинг талабаларимиз орасида ҳам келажда ҳуқуқшунос бўлиш истагидоғлар талайгина. Эътибор берган бўлсангиз, одатда шижоатли ва ўзига ишонган ёшлар шу касбнинг эгаси бўлишга интилади. Ўрни келганда прокуратура ходимларига миннатдорчилигимизни билдириб ўтсам. Бироз олдинроқ айнан шу идора ходимларининг одилона қўмағи билан марказимизга қарашли бўлган бассейни яна бизга қайтариб берилди.

Газетанинг кўп минг сонли муҳлисларига ҳар доим спортга йўлдош бўлиб, Ўзбекистон фарзандлари ботир юрт деган номга муносиб бўлишларини тилаб қоламан.

ШАВКАТ СУҲБАТЛАШДИ


● **СПОРТ****МАЙДОНДА ҲУҚУҚШУНОСЛАР**

Қашқадарё вилоятида прокуратура ходимлари ўртасида Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллиги олдида кичик футбол бўйича мусобақалар давом этмоқда.

Иккинчи гуруҳда тўп сураётган Қамаш, Фузар, Деҳқонобод ва

Нишон туманлари ҳуқуқшуносларидан иборат футболчилар жамоаси дастлабки тур голиби сифатида вилоят босқичида курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Б.ЖУРАЕВ

● **KROSSWORD**

ЭНИГА: 5. Аҳмад Фарғонийнинг Европада атилиши. 6. Мода. 8. Жаннат хизматчиси. 10. Мўшкетёр. 12. Хавотирланиб, интизорлик билан. 14. Ашаддий қотил. 16. Гармдори идиши. 17. Энсиз, кенг эмас. 20. Узум нави. 22. Улғувор маъносидagi қиз бола исми. 24. Шайтон. 25. Ҳўл мева. 26. Энг буюк яратувчи.

БЎЙИГА: 1. Математик шакл. 2. Латифалар эгаси. 3. Қора рангли кийим кийилганда одамни хижолат қилади. 4. Абадий, ўзгармас. 7. Ташқи кўриниш. 9. Қасам, ...11. Пож, ифбатли қизлар исми. 13. ... халол. 15. Органик модда. 18. Мато. 19. Автомобиль олд кўпригини созлаш бурчаги. 20. Машҳур рус киноактрисаси. 21. Маданий гул. 22. Автоном. 23. Булут.

Тузувчи: Холита ҚАЙУМОВА

ОБУНА - 2002

«Хуқуқ»имни
билай десангиз,
хаётим
«Қонун ҳимоясида»
бўлсин десангиз
нашрларимизга
обуна бўлишни
унутманг!

индексларимиз:

«Хуқуқ» газетаси
якка обуначилар учун - 231.
ташқилотлар учун - 232.

«Қонун ҳимоясида» журнали
якка обуначилар учун - 839.
ташқилотлар учун - 840.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

Айни кунларда барча нашрлар қатори «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетасига ҳам обуна давом этмоқда. Лекин обуна жараёнида баъзи бир англашилмовчиликлар ҳам юз бермоқда. Жумладан, нашрларимизга обуна бўлиш истагидаги айрим ташқилотлар обуна пулларини тўғридан-тўғри тахририят ҳисоб рақамига ўтказмоқдалар. Бу эса муштарийларимизга нашрларимизни ўз вақтида етказиб беришда бирмунча мураккабликлар келтириб чиқаради. Шу сабабли нашрларимизга обуна бўлиш учун исталган алоқа бўлимига мурожаат этиб, шу ернинг ўзига обуна расмийлаштиришингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Рустам Ҳакимовга отаси

РАУФ аканинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Нурҳас» мактаби вакили Мутал НАЗАРОВ таниқли киноактёр, икки марта Европа чемпиони Дольф ЛУНДГРЕН билан. Токио, 1999 йил.

даги машқ майдончаси, Ҳасан аканинг хизмат хонаси, барча-барчасида қандайдир табиий орасталик, айтиш мумкинки Шарқона сокинлик ҳукмрондай таассурот қолдирди менда. Хона ичидаги жиҳозларни, шода-шода медаллар, девордаги суратларни кўздан кечирар эканман бир ёзув кўзимга қадалди. Унда каратэнинг киокушинкай йўналиши асосчиси Ояма Масута-чунинг будда ҳақидаги сўзлари битилган эди. Шунга ишора қилиб гап бошлаган ҳам эдимки, Ҳасан ака менга дераздан шундай кўриниб турган майдонча деворидаги ёзувини кўрсатди. Унда «буддага содиқлик» ҳақидаги жумлалар «ўз динимизга этиқод қиламиз» жумлалари билан алмаштирилган эди. Ҳасан аканинг «Тайғамбаримиз ҳам Оллоҳ наздида кучли мўмин ҳисси мўминдан яхшироқ ва маҳбуброқдир, деган эканлар», деганида мамнулим икки ҳисса ошди.

— Фаолиятингиз ҳақида, унинг қамрови ва натижалари ҳақида гапириб берсангиз?

— Хабарингиз бор, мустақил-

Бугунга келиб, каратэ марказимизнинг Навоий, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, шунингдек, Наманган вилоятларидаги бўлимида минглаб ёшларимиз ушбу санъатнинг сирларини ўрганиш-